

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ  
“АХБОРОТ СОАТЛАРИ” № 14-2016**

**Ҳафтанинг муҳим ижтимоий-сиёсий воқеалари  
(28 ноябрь-4 декабрь кунлари)**

**I. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ИҚТИСОДИЙ,  
ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАР  
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ ПРЕЗИДЕНТ  
САЙЛОВИНИНГ ЖОРИЙ ЯКУНЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛДИ**

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси 2016 йил 4 декабрь куни бўлиб ўтган Президент сайловида овоз беришнинг жорий яқунларини эълон қилди.

4 декабрь куни Тошкент вақти билан соат 20 да Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов участкаларида овоз бериш яқунланди. Ўзбекистон Республикасининг Миср, Европа давлатлари ва Америка Қўшма Штатларидаги ваколатхоналари ҳузурида ташкил этилган сайлов участкаларида овоз бериш жараёни давом этмоқда.

Дастлабки маълумотларга кўра, сайловда 17 миллион 941 мингдан зиёд сайловчи иштирок этди. Бу жами сайловчиларнинг 87,83 фоиздан ортигини ташкил этади.

Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида халқаро кузатувчилар, мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун ўтказилган брифингда шу ҳақда маълум қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”, “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунларда мустаҳкамланган халқаро демократик меъёр ҳамда тамойилларга риоя этилган ҳолда очиқ ва ошқора ўтгани таъкидланди.

Мамлакатимиз фуқаролари сайловда юксак сиёсий ва фуқаролик фаоллигини намойиш этди. Соат 11 га қадар сайловчиларнинг 33 фоиздан ортиғи овоз беришда иштирок этгани бунинг яққол тасдиғидир.

Айни пайтда сайлов участкаларида ҳар бир номзод учун берилган овозлар санаб чиқилмоқда. Сайлов участкаларида овозларни санаб чиқишда сиёсий партиялардан 37 мингдан зиёд кузатувчи, халқаро кузатувчилар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этмоқда.

Сайлов давомида жойлардан сайлов қонунчилиги бузилиши ҳақида хабар келиб тушмади.

5 декабрь куни бўлиб ўтадиган брифингда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг дастлабки натижалари эълон қилинади. Шу куни халқаро кузатувчилар миссиялари ҳам матбуот анжуманлари ўтказади.

**ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА УЧРАШУВ**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнини кузатиш учун мамлакатимизга ташриф буюрган Кувайт Ахборот вазирлиги давлат котибининг юридик масалалар бўйича ёрдамчиси Хейла Хамад ал-Мекеими билан учрашув бўлиб ўтди. Суҳбат давомида мамлакатимизнинг икки палатали парламенти фаолияти тўғрисида маълумот

берилди. Парламентимиз қуйи палатасининг қонун ижодкорлиги ва назорат-тахлил фаолияти, шунингдек, халқаро алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган парламентлараро ҳамкорлик ривожига ҳақида тўхталиб ўтилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва сайлов қонунчилигига сайлов жараёнини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш бўйича ўзгартиш ва қўшимчалар киритилгани, парламент ва сиёсий партиялар ўрнининг қонуний жиҳатдан мустаҳкамлангани алоҳида таъкидланди. Шу билан бирга, Ўзбекистонда оммавий ахборот воситаларининг жадал ривожланаётгани, фуқароларнинг ахборот ва сўз эркинлигига оид конституциявий ҳуқуқлари тўлиқ рўёбга чиқарилаётгани ҳақида атрофлича фикр алмашилди. ОАВ фаолиятининг мустаҳкам ҳуқуқий асоси яратилгани унинг тараққиётида муҳим омил бўлаётгани ҳам қайд этилди.

Мулоқот давомида меҳмон мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларни қўллаб-қувватлашини, икки томонлама муносабатлар янада мустаҳкамланишидан манфаатдор эканини билдирди.

### **ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИДА РОССИЯ ПАРЛАМЕНТИ ЮҚОРИ ПАЛАТАСИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ БИЛАН УЧРАШУВ БЎЛИБ ЎТДИ**

2016 йилнинг 2 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Камилوف Россия Федерацияси парламенти Федерация Кенгаши Раиси ўринбосари Иляс Умаханов бошчилигидаги делегацияни қабул қилди. Ўзбекистон Марказий сайлов комиссиясининг таклифига биноан мамлакатимизга ташриф буюрган делегация таркибида сенаторлар Владимир Жабаров, Михаил Козлов, Сергей Лисовский ва Дмитрий Мезенцев бор.

Россия делегация аъзолари Ўзбекистон Президентининг навбатдан ташқари сайловида халқаро кузатувчи сифатида ҳудудларга ташриф буюриш тўғрисидаги режаларини ўртоқлашдилар. Мулоқот давомида долзарб Ўзбекистон-Россия кун тартиби нуқтаиназаридан парламентлараро алоқаларни янада мустаҳкамлаш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Учрашувда Россия Элчиси Владимир Тюрденев иштирок этди.

### **ЎЗБЕКИСТОН ТИВДА АҚШ ВА КАНАДАНИНГ БУХОРО ЯХУДИЙЛАРИ КОНГРЕССИ ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН УЧРАШУВ БЎЛИБ ЎТДИ**

2016 йил 2 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Камилوف АҚШ ва Канаданинг Бухоро яхудийлари конгресси президенти Борис Кандовни қабул қилди. У 4 декабрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Президентининг навбатдан ташқари сайловида халқаро кузатувчи сифатида иштирок этиш учун мамлакатимизга ташриф буюрган.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон-АҚШ муносабатлари доирасида Ўзбекистон ҳамда АҚШ ва Канаданинг Бухоро яхудийлари конгресси ўртасида маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлик юзасидан фикр алмашилди.

### **ФАРОВОН ҲАЁТИМИЗ КАФОЛАТИ**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги “Маънавият ва маърифат” марказида ўтказилган давра суҳбати шундай номланди. “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда “Ёшлик” талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда

хуқуқшунос олимлар, профессор-ўқитувчилар, талаба-ёшлар иштирок этди. Мамлакатимизда ёшларни мустақил фикрли, баркамол шахс этиб вояга етказиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қаратилаётган эътибор юксак самаралар бераётгани таъкидланди. Бу борада қабул қилинган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар навқирон авлоднинг таълим-тарбия олиши, жамиятда муносиб ўрнини топишида муҳим омил бўлмоқда. Тадбирда мутахассислар ёшларга Конституциямизда белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятлар, сайловга оид моддалар ҳақида батафсил маълумот берди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этиб, муносиб номзодга овоз бериш ҳар бир фуқаронинг конституциявий ҳуқуқи ва бурчи эканлиги алоҳида таъкидланди.

– Мамлакатимизда ҳар бир шахс ўзи хоҳлаган касбни танлаши, ўзи истаган таълим даргоҳида таълим олиши мумкинлиги Асосий қонунимизда кафолатланган,– дейди Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети талабаси, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси Нафосат Жўрабекова.– Конституциямизда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга эканлиги қайд этилган. Биз, ёшлар сайлаш ҳуқуқимиздан фойдаланиб, сайловда иштирок этаётганимиздан фахрланамиз.

Давра суҳбатида ёшларни қизиқтирган саволларга мутахассислар жавоб қайтарди.

## II. ЖАҲОН МИҚЁСИДАГИ ИҚТИСОДИЙ, ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАР

### ТУРИЗМ СОҲАСИДА ЎЗARO МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК

«Ўзбектуризм» миллий компанияси делегацияси шу йил 21 ноябрь – 2 декабрь кунлари Корея Республикасида бўлди. Сафар давомида Жанубий Корея сайёҳлик ташкилотлари вакиллари билан учрашувлар ташкил этилди, ушбу мамлакатнинг қатор ҳудудлари, маданий мерос объектлари, кўриқланадиган табиий ҳудудлари фаолияти билан танишилди. «Ўзбектуризм» миллий компанияси вакиллари мамлакатимизнинг туризм соҳасидаги салоҳияти тақдимотини ўтказди. Тақдимот иштирокчиларига Ўзбекистоннинг бой тарихий-маданий мероси, Қорақалпоғистон, Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Қашқадарё ва бошқа ҳудудларидаги диққатга сазовор жойлар ҳақидаги бой маълумотлар тақдим этилди. Мамлакатимизда туризм инфратузилмасини ривожлантириш ва сайёҳлик хизматлари экспортини янада ошириш, соҳа учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида ахборот берилди. Корея Республикаси Маданият, спорт ва туризм вазирлиги томонидан «Жанубий Корея сайёҳлик тажрибасини ўрганиш» тренинги доирасида туризм соҳасида икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантиришга бағишланган қатор тадбирлар ўтказилди. Жанубий корейлик экспертлар билан биргаликда туризм соҳасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболлари муҳокама этилиб, Ўзбекистон ҳамда Жанубий Кореяда экотуризмни ривожлантиришни кўллаб-қувватлаш масаласи бўйича тажриба ва фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов раҳнамолигида соҳада амалга оширилган ислохотлар самарасида замонавий туризм инфратузилмаси изчил ривожлантирилиб, сайёҳларнинг мазмунли

хордиқ чиқариши учун шароитлар яратилди. Сўнгги йилларда мамлакатимизда янги сайёҳлик турлари, жумладан, экологик туризм йўналишлари жорий этилмоқда. Ўзбекистонда кўриқхоналар, миллий боғлар, кўриқланадиган табиий худудлар, ёдгорликлар ва биосфера резерватининг мавжудлиги мамлакатимизда экотуризмни истиқболли йўналишга айлантириш имконини бермоқда.

Бугунги кунда туризм жаҳон иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан биридир. Шу боис Ўзбекистонда ҳам туризм саноатини модернизация қилиш, соҳани барқарор ривожлантириш учун меъёрий-ҳуқуқий база яратиш ва уни такомиллаштириш, чет эллик меҳмонларга халқаро стандартларга мувофиқ хизмат кўрсатишни йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда халқимизнинг тарихий-маданий меросини асраб-авайлаш ва янада бойитиш, миллий анъана ва урф-одатларимизни қайта тиклаш, диққатга сазовор жойларни ободонлаштириш борасида жиддий ўзгаришлар амалга оширилди. Бунинг самарасида юртимизга келаётган сайёҳлар тобора кўпайиб бормоқда. Масалан, ҳар йили Ўзбекистонга дунёнинг турли минтақаларидан 2 миллиондан ортиқ сайёҳ келмоқда. Уларнинг аксарияти Германия, Франция, Италия, Корея Республикаси, Япония, Хитой, Малайзия, Россия, Ҳиндистон фуқароларидир.

– Ўзбекистон халқаро сайёҳлик бозорида катта нуфузга эга,– деди Кёнхи университети профессори Ким Чоль Вон.– Ўзбекистоннинг қадимги архитектура ёдгорликлари, халқингизнинг ўзига хос анъаналарини ўзида мужассам этган бой маданий мероси жаҳон ҳамжамияти ва сайёҳлар эътиборини тортмоқда. Жанубий Кореяда юртингизни кўриш истагида бўлганлар кўп. Мамлакатингизда хорижий меҳмонлар учун қулай шароитлар яратилмоқда. Ўзбекистоннинг сайёҳлик компания ва фирмалари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш ниятидамиз. Ўзбекистон туризм саноати вакилларининг сафари қизиқарли тақдирот маросимлари, ўзаро манфаатли музокараларга бой бўлди. Мамлакатимизда туризмни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар, соҳа кадрларини тайёрлаш тизими, экотуризмни оммаллаштириш дастурлари ҳақида маълумот берилди. Иштирокчиларнинг фикрича, тренинг давомида ташкил этилган сайёр тадбирлар натижасида Ўзбекистон вакиллари Жанубий Корея туризм соҳаси экспертлари билан алоқаларни мустаҳкамлади, бенчмаркингни ривожлантириш бўйича фикр ва тажриба алмашди.

Ташриф чоғида ўтказилган учрашув ва тадбирлар Жанубий Корея сайёҳлик бозорининг сўнгги тенденциялари билан танишиш, ушбу соҳада ҳамкорликни кенгайтириш ва мамлакатимизнинг мазкур йўналишдаги салоҳиятини намойиш этиш имконини берди.

## **ОПЕК КЕЛИШУВИ АЙРИМ МАМЛАКАТЛАР САБАБЛИ БЕКОР БЎЛИШИ МУМКИН**

Нефть экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилоти ОПЕКнинг нефть қазиб олиш ҳажмини қисқартириш бўйича келишуви кўплаб мамлакатлар иқтисодиётини кутқариши мумкин. Бироқ, унинг муваффақияти, Саудия Арабистони собиқ нефть вазири Али ал Наимийнинг фикрича, ишлаб чиқариш ҳажмини пасайтириш бўйича масъулиятни зиммасига олган томонларнинг ростгўйлигига боғлиқ.

«Уларнинг ихтиёридаги ягона таъсир кўрсата оладиган нарса, — бу қазиб олишни чеклашдир. Афсуски, кўпчилик бу шартларни сидқидилдан бажаришни хохламайди», — деган ал Наимий.

20 ноябрь куни ОПЕК аъзолари кунлик нефть қазиб олиш миқдорини 1,2 млн баррелгача қисқартириб, 32, 5 млн баррель қора олтинни жаҳон бозорига чиқаришга келишиб олишди. Бунга ташкилотга аъзо бўлмаган давлатлар, хусусан Россия ҳам қўшилди. Аммо, ал Наимий барча мамлакатлар ушбу келишувга бирдек риоя қилишларини шубҳа остига қўймоқда. У шунингдек, Россиянинг кунлик нефть қазиб олишни 300 минг баррелга қисқартириши ҳақидаги хабарларга ҳам салбий ёндашган. «Россия қазиб олишни 300 минг баррелга камайтириши мумкинми? Билмадим. Лекин, улар ўтган сафар ваъдасида турмаган».

### **ДАНИЯ ИШИДГА ҚАРШИ ОПЕРАЦИЯДА ИШТИРОК ЭТАЁТГАН САМОЛЁТЛАРИНИ ОРТГА ЧАҚИРТИРИБ ОЛМОҚДА**

Дания ҳукумати аввал қабул қилинган қарорларга кўра, декабрь ўрталарида халқаро коалициянинг ИШИДга қарши курашида иштирок этаётган ўз қирувчи ва транспорт самолётларини ортга чақиртириб олади ва шу билан бирга Ироққа муҳандислик ва қурувчилик ишларида маслаҳат бериш билан ёрдамни кенгайтиради. Аввалроқ ОАВ Дания ҳукумати 17 сентябрда суриялик ҳарбийларга берилган авиазарбадан кейин ИШИДга қарши операцияда иштирок этаётган 7 та F-16 самолётини чақиртириб олишни режалаштираётганини маълум қилганди.

«Дания коалицияга янги кўмак таклиф қилмоқда, шу тариқа маслаҳат ёрдамни 150 га яқин мутахассис амалга оширади. 2017 йилда ҳукумат коалицияга кўрсатаётган ёрдамни сақлаб қолади, бироқ режалаштирилгандек, авиацияни ортга чақиртириб олади», деб айтди Дания ташқи ишлар вазири Андерс Самуэльсен. Дания парламенти Ироқ ва Сурияга 7 та қирувчи ва битта транспорт самолётини юбориш ҳақидаги қарорни 2016 йил апрелда бу миссия камида 6 ой ичида тугагини ҳисобга олган ҳолда қабул қилганди. Бундан ташқари, Дания Ироқнинг жангарилардан озод қилинган ва Суриядаги муҳолифат кучлари назоратида бўлган ҳудудларга фуқаролик кўмагини амалга оширади.

### **БАРАК ОБАМА ПРЕЗИДЕНТЛИКДАН КЕЙИН ЖУРНАЛИСТ БЎЛИШИ МУМКИН**

АҚШ президенти Барак Обама рақамли ОАВда фаолият олиб бориш ҳамда ҳокимиятни топширганидан кейин ўз медиакомпаниясини ташкил этиш борасида бош қотирмоқда. Маълумотларга кўра, Оқ уйнинг коммуникациялар бўйича директори Жен Псаки расман бу хабарни рад этган. У нашрга юборган баёнотида, Барак Обаманинг ўз лавозимини тарк этгач, медиабизнес билан шуғулланиш нияти йўқлигини таъкидлаган. Аммо, нашрнинг уқдиришича, Обаманинг келгуси фаолияти, гарчи у ўз медиакомпаниясига асос солиш ниятидан биров совуган бўлса-да, ОАВга қаратилган бўлади. Нашр суҳбатдошларидан бирининг сўзларига кўра, яқинда Перуда бўлиб ўтган ОТИХ саммитида қатнашган Обама Facebook асосчиси Марк Цукерберг билан махфий равишда учрашган.

Мис сайти ўз фикрини исботи сифатида Барак Обаманинг сўнгги пайтларда ОАВ хақида билдираётган сўзларини келтиради. У «ОАВнинг хавфли ҳолати хусусида кўп фикр юритаётгани ҳамда бу жараёни тузатишда ўзи ҳам иштирок этишни хоҳлаётгани борасида» бир неча марта қарашларини билдирган эди.

### **АҚШ ХИТОЙГА САНКЦИЯЛАР БИЛАН ТАҲДИД ҚИЛДИ**

АҚШ Давлат департаменти ва Оқ уй вакиллари Шимолий Корея билан ноқонуний бизнес олиб бораётган ва шу тариқа Пхеньянга қарши киритилган санкцияларни бузаётган Хитой компанияларига санкциялар киритишга ваъда берди. «Биз Хитой резолюцияни бажаришига умид қиламиз, бироқ Хитой компаниялари уни бузиб, Шимолий Кореяда бизнес юритсалар, чекловлар остига тушган тузилмаларга ёрдам берсалар, хитойликлар зарур чораларни кўради деб ишониб, уларга бу ҳақда хабар берамиз», деб айтди АҚШ давлат котиби Дэниел Рассел. Унинг қўшимча қилишича, агар хитойликлар кўмак кўрсатишдан бош тортсалар, унда АҚШ ҳукуматида санкциялар киритишдан бошқа чора қолмайди.

### **ТРАМП УЧТА ДАВЛАТ ЕТАКЧИСИ БИЛАН СУҲБАТЛАШДИ**

АҚШ президенти этиб сайланган Дональд Трамп учта давлат: Афғонистон, Сингапур ва Тайвань етакчилари билан телефон орқали суҳбатлашди. Трамп Афғонистон президенти Ашраф Ғани билан суҳбатда икки давлат учраётган террорчилик таҳдидлари ҳамда бу таҳдидларни енгиб ўтишда янада яқиндан ҳамкорлик қилишни муҳокама қилди. Бундан ташқари, Трамп Сингапур бош вазири Ли Сянь Лун билан ҳам суҳбатлашди. Суҳбат давомида икки давлат ўртасидаги иқтисодий ва сиёсий муносабатлар муҳокама қилинган.

Трамп шунингдек Тайвань маъмурияти раҳбари Цай Инвэнь билан ҳам суҳбат олиб борди. Таъкидланишича, АҚШ ва Тайвань ўртасидаги дипломатик алоқалар 1979 йилда узилган. Трамп ва Инвэннинг бу суҳбати ўшандан бери икки давлат етакчиси ўртасида бўлиб ўтган биринчи суҳбат бўлди.

Материалларни тайёрлашда республика ОАВ хабарларидан фойдаланилди.